

Филологик фанлар

УДК 81-116

**Косимова Нафиса Фарходовна**

старший научный сотрудник-соискатель  
Бухарский государственный университет

**Kosimova N.F.**

senior scientific researcher  
Bukhara State University

**ЛИСОНИЙ БЕЛГИ АСИММЕТРИЯСИ, УНИНГ СИСТЕМА ВА  
СТРУКТУРАДА НАМОЁН БЎЛИШИ  
LINGUISTIC SIGN ASYMMETRY, ITS OCCURRENCE IN THE  
SYSTEM AND THE STRUCTURE**

**Аннотация:** *Ушбу мақолада лисоний белги асимметриясининг тил системаси ва структурасида воқеланиши тадқиқ қилинган. Синтагматик, парадигматик ҳамда семиотик асимметрия зоялари баёни келтирилган.*

**Аннотация:** *В данной статье исследовано проявление асимметрии лингвистического знака в системе и структуре языка. А также изложены идеи синтагматической, парадигматической и семиотической асимметрии.*

**Abstract:** *The given article investigates the occurrence of the linguistic sign asymmetry in the language system and structure. The ideas of syntagmatic, paradigmatic and semiotic asymmetry have been considered.*

Лисоний белги асимметрияси ва унинг асимметрик дуализми ҳақида яхлит таълимот яратган олим Женева тилшунослик мактаби асосчиларидан бири С.О.Карцевскийдир (1884–1955). Муаллиф ўзининг “Лисоний белгининг асимметрик дуализми ҳақида” номли мақоласи билан

асимметриянинг пайдо бўлиш сабабларини, омонимия ва синонимия юзага келишининг соф лисоний манбаларини кўрсатиб берди. Унинг қуйидаги сўзларига эътибор қилайлик: “Омофония – умумий ҳодиса, омонимия эса унинг хусусий кўринишидир. У (омонимия – Н.Қ.) тилнинг тушунчалар аспектида намоён бўлади. Бу аспектда унга зид ҳодиса (гетерофония) тушунчалар синонимияси сифатида кўзга ташланади. Бироқ бу айнан бир принципнинг икки томонидан бошқа нарса эмас. Бу принципти унчалик аниқ бўлмаса-да, қуйидагича умумлаштириш мумкин: ҳар қандай лисоний белги бир пайтнинг ўзида потенциал омоним ва синонимдир... Бу мантиқий хулоса белгининг фарқловчи характеридан келиб чиқади. Қолаверса, ҳар қандай лисоний белги фарқловчи хусусиятга эга бўлмоғи лозим. Акс ҳолда, бу оддий сигналдан фарқ қилмайди” [4, с. 22-28].

Шундан кейин С.О.Карцевский омонимик қаторнинг кўпроқ психологик, синонимик қаторнинг эса логик характерда эканлиги ҳақида ёзади. Муаллифнинг синонимик қаторнинг чекланмаганлиги, омонимик қаторнинг очиклиги сабаблари, грамматик транспозиция билан семантик транспозиция ҳақидаги мулоҳазалари ҳозир ҳам ўз қийматини йўқотмаган.

С.О.Карцевский лисоний белги асимметриясининг юзага келиш сабабларини шундай тушунтиради: ифодаловчи ўзининг асл, бирламчи вазифасидан бошқа функцияларни бажаришга, ифодаланмиш эса ўзининг туб белгисидан бошқа воситалар ёрдамида ифодаланишга ҳаракат қилади. [4, с. 90].

С.О.Карцевскийнинг омонимия ва синонимия ҳосил бўлиши ҳақидаги бу фикрлари уларнинг дарсликларда берилган таърифлари ғайрилисоний омилларга асосланганлигини кўрсатади.

Симметрия ва асимметрия тушунчалари фанга маълум тушунчалардир. Бироқ уларни муайян тизимга солиш XIX асда кристаллография (минералогия, қаттиқ жисмлар физикаси ва кимё фанлари билан боғлиқ бўлган, кристаллар тузилишини ўрганадиган фан соҳаси)

материалида амалга оширилди ва симметриянинг шу фандаги турлари кузатилди. Кристаллографияда асимметрия турлари ҳам аниқланди. Шундан кейин симметрия/асимметрия ғоялари геометрия, физика каби фанларга ҳам кириб келди. Тилшуносликка эса уларни, юқорида таъкидлаганимиздек, С.О.Карцевский олиб кирди. Улар “фанимизнинг янгидан янги жабҳаларини қамраб олди ва олмоқда” [1, с. 4].

Белги ва маъно, шакл ва мазмун бир-бирига тўлиқ мос келавермайди. Чунки айнан бир белги ёки шакл бир неча функция бажарса, айнан бир маъно бир неча белги (шакл) ёрдамида ифодаланади. Бу ҳолат лингвистик асимметрия назарияси сифатида шаклланди. Проф. В.Г.Гакнинг ёзишича, лисоний белги асимметрияси бўлмаганда, назарий тилшунослик ҳам бўлмаган, баҳс-мунозараларга ўрин ҳам қолмаган бўлар эди.

Симметрия (юн. *symmetria*) – мослик, мувофиқлик, мутаносиблик. Симметрия кенг маънода ўзгармаслик, инвариантлик деган тушунчаларни ифодалайди ва сақланиш қонунлари асосини ташкил қилади [7, с. 1219]. Соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, симметрия объектив борлик предмет ва ҳодисалариаро батартиблик, мунтазамлик ва бир хилликнинг намоён бўлишидир.

Манбаларда асимметрия симметриянинг йўқлиги, акси сифатида таърифланади. Бинобарин, уни барқарорлик, батартиблилик ва мунтазамлиликнинг бузилиши сифатида тавсифлаш мумкин [7, с.1219; 5, с. 37-55].

В.Г.Гакнинг ёзишича, асимметрия қуйидаги икки ҳолатда: а)марказ (ядро) ва чекка (периферия)ни фарқлашда; б) ифодаланмиш ва ифодаловчи орасидаги тафовутларда намоён бўлади. Тил структураси нуқтаи назаридан марказ асосий фонемалар, тил тараққиётининг мазкур давридаги энг фаол сўз ясаиш, сўз бирикиш қолиплари бўлса, чекка шу қолиплардан чекинишдир.

Ифодаланмиш ва ифодаловчилараро асимметрия ҳам система,

структура ва функцияда кузатилади.


Система асимметрияси узларнинг нотекис тараққиётида намоён бўлади. Масалан, рус тилида ўтимли феълларда икки замон, ўтимсиз феълларда эса учта замон борлиги ҳақида манбаларда маълумот берилган. Шунингдек, асимметрия айрим сўзлар парадигмасининг нотўғрилигида ҳам кўринади (масалан, тўлиқсиз ва бошқа феъллар) [5, с. 47].

В.Г.Гак ўзининг “Теоретическая грамматика французского языка” (Москва, 2000) номли фундаментал асарининг IV бобини асимметриянинг грамматикада намоён бўлиши масаласига бағишлаган ва уни функционал ёндашув билан тўлдирган. Унинг ёзишича, тилнинг ҳар бир сатҳи ва бўғинида ядровий (марказий), типик, асосий ва чекка элементларини фарқлаш лозим. Марказ↔чекка нисбати тилнинг структур, семантик ва функционал аспектларида намоён бўлади.

Структур аспектда марказ сўз ўзгариши ва сўз бирикишининг етакчи қолиплари бўлса, чекка шу қолиплардан чекинишдир, – деб ёзади Гак ва бунга мисол сифатида француз тилида кўплик сонининг ҳосил бўлишини келтиради. Агар -s кўплик ҳосил қилишнинг асосий усули бўлса, уни ҳосил қилишнинг бошқа йўллари (*œil – yeux, travail – travaux*) тил тизимининг қуйи қатламига мансубдир. Бунга истаган тилдан мисоллар келтириш мумкин. Масалан, ўзбек тилида кўплик ҳосил қилишнинг асосий, етакчи усули -лар қўшимчасидир. Кўплик ҳосил қилишнинг бошқа йўллари (келишди, айтишди ва б.) иккиламчи усулларни ташкил қилади. Бу ҳолатни инглиз тилида ҳам кузатамиз. Унда кўплик сон ҳосил қилишнинг етакчи усули -s қўшимчаси бўлса (*hand – hands*), қолган усуллари (*foot – feet, ox – oxen, datum – data*) периферик (ёрдамчи, қўшимча, иккиламчи) усуллардир.

Категориал-семантик аспектда типик шакл ва маънолар – марказни, оралик шакл ва маънолар периферияни ташкил қилади. Масалан, феъл шакллари сирасида унинг шахс-сонли шакллари марказий, шахссиз

(инфинитив, сифатдош, равишдош) шакллари периферик шакллардир. Чунки уларда ҳам феълга, ҳам бошқа сўз туркумларига хос хусусиятлар мужассам. (қиёсланг: сифатдош – going (PI), eating (PI), done (PII), written (PII); равишдош – flying (G), running (G)). Инфинитив, сифатдош ва равишдошнинг икки томонлама (оралиқ) ҳодиса эканлигини чизмада шундай кўрсатиш мумкин:



Феълнинг шахсиз шакллари (Non-finite forms)ни В.Я.Плоткин шундай номлайди: инфинитив – феъл-от, сифатдош – феъл-сифат, равишдош – феъл-равиш<sup>1</sup> [6, с.128–129].

Функционал жиҳатда энг кўп қўлланувчан шакллар марказни, кам қўлланадиган шакллар чеккани ташкил қилади. Масалан, оғзаки нутқда энг кўп қўлланадиган замон шакли Present Indefinite, Present Continuous, Past Indefinite, Past Continuous бўлса, энг кам қўлланадиганлари Future Perfect Continuous, Future Perfect Continuous in the Past Tensedир [2, с. 56].

Ш.Балли асимметриянинг намоён бўлишини илк марта таркиб нуқтаи назаридан ўрганган бўлса-да, уни грамматикага биринчи бўлиб татбиқ этган олим, бизнингча, В.Г.Гак ҳисобланади. У грамматик асимметриянинг уч турини кўрсатади: 1) тизим (система) асимметрияси; 2) структура асимметрияси (ифодаловчи ва ифодаланмишнинг ўзаро муносабатларидаги номутаносиблик) ва 3) функция асимметрияси.

<sup>1</sup> Феъл-от, феъл-сифат, феъл-равиш бирикмалари тенглик маъносини эмас, балки шахсиз шаклларнинг феълдан ясалганлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, улар феълдан ясалган морфологик шакллардир.

Тизим асимметрияси юқорида қисқача баён қилинди.

Структура асимметрияси илк марта юқорида қисман қайд этиб ўтилганидек, Ш.Балли томонидан ўрганилган. Бу олим фақат структура асимметриясини ўрганган эмас, унинг типологиясини ҳам яратган [1, с.13–21]. Ш.Балли бевосита симметрия/асимметрия атамаларини эмас, аналитизм/синтетизм атамаларини ишлатади. Унинг кейинги ҳолатга доир келтирган мисоллари айнан симметрия/асимметриянинг ўзидир.

Структура асимметрияси грамматик шаклларнинг ифодаловчи ва ифодаланмиши орасидаги номувофиқликда намоён бўлади. В.Г.Гакнинг ёзишича, шакл (Ш) ва мазмун (М) асимметрияси *синтагматик*, *парадигматик* ва *семиотик* аспектларда кўзга ташланади. Бу аспектларнинг нафақат тил тизими, балки кўп маънолилиқ (полисемия) ҳамда омонимия ва синонимия ҳосил бўлишининг асосий лисоний манбаи бўлганлиги учун қуйида улар ҳақида батафсилроқ маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

Синтагматик, парадигматик ва семиотик асимметрия ҳақида манбаларда келтирилган маълумотлар асосан В.Г.Гак томонидан ёзилганлиги учун, асосий назарий манба қилиб В.Г.Гакнинг юқорида эслатилган фундаментал асарини олдик ва уларни инглизча мисоллар билан ҳам асослашга ҳаракат қилдик.

Шакл ва мазмун асимметрияси ифода плани бирликлари билан мазмун плани бирликлари сони тенг бўлмаганда намоён бўлади: ифода плани бирликлари мазмун плани бирликларидан кўп ёки аксинча бўлади. В.Г.Гакнинг ёзишича, синтагматик планда симметрия талабига кўра, ифода ва мазмун планлари ўзаро мос бўлиши керак. Буни *nationales* сўзи билан асослаб берган:

Луғавий маъно	Сифат	Ж.р.	Кўплик
<i>nation</i>	<i>-al-</i>	<i>-e-</i>	<i>-s</i>

Шунга ўхшаш мисолни инглиз ва ўзбек тилларидан ҳам келтириш мумкин. Масалан: *interpretations* сўзида

Луғавий маъно	От	Кўплик	
<i>interpret</i>	<i>(a)-tion-</i>	<i>-s</i>	ёки ўзбек тилида:
Луғавий маъно	Кўплик	Қарашлилик маъноси	
<i>мактаб</i>	<i>-лар-</i>	<i>-нинг</i>	

Параллелизмнинг синтагматик аспектда бузилиши натижасида асимметриянинг икки тури ҳосил бўлади: а) синтетик тур ва б) аналитик тур. Буни Гак схемада шундай тасвирлайди:

<b>Туташ шакл</b>		<b>Аналитик шакл</b>
	Ш1	Ш2+Ш3
	M1+ M2	M3

Инглиз тилидаги Present Indefinite ясалишида *He writes* гапидаги *writes* сўзи кўшимчаси (-s) ҳам бирлик, ҳам III шахс кўрсаткичи вазифасини бажариши синтагматик асимметриянинг синтетик турига мисол бўла олади. Бошқа ҳолатларда, битта умумий маъно бир нечта бир-бирдан ажралган элементлар ёрдамида ясалади: *He will have been writing*.

Парадигматик планда ифода плани билан мазмун плани бирликлари орасидаги муносабат симметрик (айнан бир хил характерда) бўлади. Мазкур шакл фақат бир маънони ифодалайди ва бир маъно доим бир шакл билан ифодаланади. Буни В.Г.Гак чизмада шундай тасвирлаган:

<b>Ифода плани</b>	Ш1 _____	<b>M1</b>	<b>Мазмун плани</b>
	Ш2 _____	<b>M2</b>	

Ана шу мутаносиблик бузилганда, парадигматик сатҳда асимметриянинг икки тури – полисемия ва синонимия юзага келади. Полисемия ва синонимиянинг ўзаро муносабати масаласи тилшуносликда кўплаб баҳсларга сабаб бўлган муаммолардан ҳисобланади. Бинобарин, полисемия ва синонимияни таърифлашда ана шу қоидага асосланиш лозим

бўлади.

Полисемия (юн. *polysēmos*) – кўп маъноли сўзидан олинган бўлиб, ҳозир кўп маънолилиқ тарзида қўлланади. Тил бирлигида икки ёки ундан ортиқ маънонинг бўлиши полисемияни ҳосил қилади. Грамматик полисемия ҳам, лексик полисемия ҳам тил ҳодисаларининг иккиламчи маънолари асосида юзага келади. Унга синкретизм хос. Буни В.Г.Гак шундай мисол билан кўрсатади: *Il part* (ҳоз.з.) ва *Il part demain* (кел.з.). Худди шундай ҳолатни биз инглиз тилида ҳам кузатамиз. Қиёсланг: *He is leaving* гапи ҳам ҳозирги замон маъносида (У кетяпти, жўнаяпти), ҳам келаси замон маъносида (У кетяпти, жўнаяпти – *tomorrow*) қўлланади.

В.Г.Гак полисемиянинг грамматикада намоён бўлиши ҳақида шундай ёзади: “... омонимия бир шаклда ҳар хил маъноларнинг келишидир. Масалан, -s морфемаси феълнинг II шахс (*tu marches*) ёки отнинг кўплик сон (*des marches*) кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади; терминнинг тор маъносида қўлланган полисемия – шакл кўп маънолигидадир. *Il part* (ҳоз. з.) келаси замон маъносини (*Il part demain*) ҳам ифодалайди; шаклнинг семантик синкретизми. У контекстда шаклнинг бирдан икки маънони қўлланганда намоён бўлади. Бу маънолар бошқа ҳолатларда ўзаро фарқланиши мумкин. Масалан, *plus-que-parfait* ўтган замонда содир бўлган ҳаракатдан олдинги ҳаракатни ёки ҳаракатнинг тугалланганлигини ифодалайди. Кўпинча, бу икки маъно намоён бўлади. Бинобарин, синкретизм шакл полисемиясининг энг аниқ, омонимия эса энг кескин намоён бўлишидир” [2, с.56-57].

В.Г.Гак грамматик омонимияни аниқлашда парадигматика муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлайди. Турли парадигмаларда келадиган бир хил шакллар турли категорияларга мансуб турли шакллар тарзида кўзга ташланади. Олим ўз фикрини қуйидаги мисоллар билан асослайди: (*tu*) *marches* – *nous marchons* ва *une marche* – *des marches* [2, с. 57].



Синонимия (юн. *synonymia* – маънодошлик) – тил бирликларидан, семантик муносабатларнинг бир тури бўлиб, улар маъноларининг тўлиқ ёки қисман мослигини ифодалайди.

Синонимия тилда объектив олам хоссаларини акс эттиради. Шунинг учун унинг лингвистик табиати тил бирликларининг мазмуний яқинлиги даражасига кўра белгиланади ва белги ҳамда маъно уларнинг беқарор мувозанати – асимметрияси билан изоҳланади [5, с. 446].

Парадигматик асимметриянинг бир кўриниши бўлган синонимия турлича намоён бўлади: 1) Грамматик шаклларнинг қўшимча дистрибуцияси (алломорфлар). Бундай синонимик шакллар бир-бирини алмаштириб келолмайди. Чунки уларнинг қўлланиши синтагматик қоида билан белгиланади. Бунга мисол қилиб, проф. В.Г.Гак *-er* (биринчи гуруҳ феъллари қўшимчаси) ва *-ir* (иккинчи гуруҳ феъллари қўшимчаси) қўшимчаларини келтиради. Уларнинг синтагматик пландаги синонимлар эканлигини яна бир бор таъкидлаш ўринли кўринади. 2) Ўзаро алмашинадиган шакллар. Фақат парадигматик пландагина кузатиладиган бундай синонимлар деярли маънога таъсир қилмайди. Муаллиф мисол сифатида *commencer à* ва *commencer de faire qch* кабиларни келтиради. Бундай мисолларни биз инглиз тилидан ҳам келтиришимиз мумкин: *to think of smth* ёки *to think about smth*; *to work on the problem* ёки *to work upon the problem*.

Семиотик планда юзага келадиган симметрия шакл ва мазмуннинг ўзаро муносабатидан иборат бўлади:

Ш -----М

Ана шу томонлар (Ш ёки М)дан бири бўлмаганда симметрия бузилади, натижада, асимметриянинг тури юзага келади:

Ноль шакл Ø \_\_\_\_\_ М

Пуч шакл Ш \_\_\_\_\_ Ø

[2, с.57]

Бу шакллар ҳақида бошқа бирор жойда маълумот бўлмаганлиги боис, биз В.Г.Гакнинг мулоҳазалари билан чегараланамиз. Унга кўра, ноль шаклда махсус кўрсаткич йўқ. Масалан, юқорида келтирилган *nationales* сўзида род ва сон махсус кўрсаткичлар (-e, -s ) билан ифодаланган бўлса, *national* да мужской род ва бирлик сон махсус кўрсаткичларнинг йўқлиги – ноль морфемалар билан ифодаланади.

Агар муайян шакл борлиқнинг бирлиги билан боғланмаса, пуч шакл юзага келади, яъни шакл ўз маъносини йўқотади (маъносизлашади). В.Г.Гак пуч шаклларга интерфиксларни, инфинитив билан бирга келадиган айрим предлогларни (*prier de faire qch*) ва нутқнинг вазият учун ортиқча ҳисобланган элементларини киритади. Функционал асимметрия бир маъно (мазмун) турли шакллар билан ёки айнан бир белги турли маъноларни ифодалашга хизмат қилса, функционал асимметрия юзага келади. Грамматик шакл функцияларини проф. В.Г.Гак қуйидаги белгиларга кўра қарама-қарши қўйиладиган асосий турларга бўлади. Булар семантик ва асемантик, бирламчи ва иккиламчи функциялардир.

Семантик функция грамматик шакл объектив борлиқ предметларининг реал хусусиятини ифодаласа, асемантик функция бундай вазифа бажармайди.

Агар бирламчи функция соф лисоний, туб ҳодиса бўлса, иккиламчи функция орттирма, контекстуал, грамматик шакл кўчма маънода қўлланганда юзага келади.

Юқорида билдирилган фикрларга тянган ҳолда айтиш мумкинки, лисоний белги, лисоний белгининг ифода, мазмун ва вазифаси планлариаро асимметрия, систем, структур ва функционал асимметриянинг тилшуносликдаги моҳиятини ўрганиш тилшунослик ва таржимашунослик фанларини янги маълумотлар билан бойитади ҳамда мазкур фанларнинг тараққиёти учун муҳим вазифани ўтайди.

### Адабиётлар

1. Аврамов Г.Г. *Использование идеи асимметрии в лингвистике. Лекции [Электрон ресурс] // URL: [http://iteach.rspu.edu.ni/2005/web\\_avramov/index.htm](http://iteach.rspu.edu.ni/2005/web_avramov/index.htm)*
2. Гак В.Г. *Теоретическая грамматика французского языка. –М.: Добросвет, 2000. –831 с.*
3. Гончар Н.Г. *Асимметрия в переводе художественного текста: этнолингвокультурный аспект: Дис. ... канд. филол. наук. –Тюмень, 2009. –254 с.*
4. Карцевский С.О. *Лисоний белгининг асимметрик дуализми ҳақида. Рус тилидан Ибодулла Мирзаев таржимаси//Лингвопоэтика 1-илмий мақолалар тўплами. –Самарқанд: СамДУ, 2001. –Б. 22-28.*
5. *Лингвистический энциклопедический словарь. –М.: Советская энциклопедия, 1990. –682 с.*
6. Плоткин В.Я. *Строй английского языка. –М.: Высшая школа, 1989.– 239 с.*
7. *Советский Энциклопедический Словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1980. –1600 с.*